28 (578)
2007 йил 11 июль
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оксоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри
Чоршанба кунлари чиқади

2
Жаннатдан умидвор киши қўшнисини сийласин!
«Қувноқ стартлар» қувноқ болаларга туҳфа

3
Ориятли қайнука ҳиммат қилди...
Музейга бориш қачон «мода» бўлади?

4
Улуғбек расадхонасини таъмирлаган санъаткор-уста
Зийрак, лекин зиёнкор қуш

Йил дастури ижроси — амалда

Бухоро вилояти

СИҲАТГОҲҒА 95 та БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Йил дастурида аҳолининг ночор қатламларини аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтиришда маҳаллалар ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалда жорий этиш масаласи алоҳида қайд этиб ўтилган.

Дастурнинг ушбу банди ижросини таъминлаш мақсадида яқинда "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими томонидан вилоятдаги бир гуруҳ иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилган эди. Куни кеча яна бир хайрли ишга қўл урилди — ижтимоий ҳимояга муҳтож 95 нафар фуқарога вилоятдаги "Ситораи Моҳи Хоса" ва "Иссиқ сув" сиҳатгоҳларида бепул дам олиб, соғлиқларини тиклаш имконияти яратилди. Йўлланмалар маҳалла фаоллари иштирокида ўз эгаларига топширилди.

— Анчадан буён соғлиғимни тиклаш ниятида юрардим. Баъзида иқтисодий, баъзида оилавий муаммолар сабаб бунга имкон тополмаётган эдим. Энди ниятим амалга ошадиган бўлди, — дейди бундай ғамхўрликдан мамнун бўлган когонлик афғон уруши иштирокчиси Юнус Хайруллаев.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент вилояти

ҚОРАМОЛЛИ ХОНАДОНЛАР КЎПАЙДИ

Маълумки, "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури асосида жойларда кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга хайрия тариқасида қорамоллар бериб келинмоқда. Бу борада "Маҳалла" жамғармасининг бўлим ва бўлинмалари ҳам алоҳида ташаббус кўрсатишяпти.

Айтиш жоизки, вилоят бўйича жорий йилда 6300 та эҳтиёжманд оилага қорамол берилиши кўзда тутилган. Жумладан, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ҳам ўз ҳисобидан йил давомида 92 бош қорамол ажратишни режалаштирган эди. Натижада ҳозирга қадар бўлим томонидан 71 бош, ҳомийлар ҳисобидан эса 1124 бош қорамол (баъзилари бузоғи билан) чекка қишлоқ маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёрдамга муҳтож оилаларга тарқатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, берилган ҳар бир қорамол ўз паспортига эга. Унда қорамол тўғрисидаги ҳамда унинг кимга берилганлиги, ветеренар кўригидан ўтказилганлиги ҳамда суғурталанганлиги ҳақидаги маълумотлар ёзиб қўйилган. Шунингдек, ушбу паспортдан қорамол эгасига уни қандай парваришлаш, сутини ва сонини кўпайтириш йўли билан даромад топиш, ветеринария хизматидан бепул фойдаланиш ҳақидаги эслатма ҳам жой олган. Юқоридаги талабларнинг қорамол эгаси томонидан қай тарзда амалга оширилаётганини маҳалла фуқаролар йиғини мониторинг тарзида аниқлаб боради.

Яқинда "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими Жиззах вилоятидаги чорвачиликка ихтисослашган "Деҳқон" фермер хўжалигидан шартнома асосида 20 бош қорамол келтириб, уларни ҳам кам таъминланган оилаларга ҳадя қилди.

Н.БЕРДИБОЕВА

Жиззах вилояти

ИЖОДКОРЛАР ЁШЛАР ХУЗУРИДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори юртдошларимиз, айниқса, ёшлар онгига асрий қадриятларни, миллий истиқлол ғояси моҳиятини сингдириш, уларни Ватани ва халқига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ишларни янада кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Вилоятда ҳам айни мақсадда ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишлаб маҳаллаларда, таълим муассасаларида, корхона ҳамда ташкилотларда таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, театр ва санъат арбоблари билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Ғаллаорол тумани Ҳангли қишлоғидаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди.

Пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ таниқли ижодкорлар коллеж ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Замонавий меъморий услубда қад ростлаган маҳобатли ўқув юртида ёшларнинг билим олиши ва касб ўрганиши учун яратилган қулайликлар, кўркам спорт зали ва майдончалари, бой китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Ижодкорлар талабалар ва қишлоқ аҳли билан мулоқотда мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган туб ислоҳотлар моҳияти инсон манфаатлари ҳимоясига қаратилганини, хусусан, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни алоҳида таъкидладилар. Юртимизда спорт ва санъатни ривожлантириш, ҳар томонлама соғлом ёш авлодни вояга етказиш, маънавиятни юксалтириш, энг муҳими, мустақиллик туфайли халқимиз онги ва тафаккурида рўй бераётган ўзгаришлар ҳусусида дилдан суҳбатлашдилар.

Давра суҳбати дилрабо куй-қўшиқларга уланиб кетди.

Юнус Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма театридаги учрашув ҳам ана шундай самимий руҳда ўтди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Фарғона вилояти

БУЖАЙдаги замонавий ҚВП

Риштон туманида аҳоли саломатлигини муҳофазалаш йўлида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда туманда 21 та қишлоқ врачлик пункти мавжуд бўлиб, улар замонавий тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

Бужай қишлоғи — туман марказидан анча олисда жойлашган. Бу ердаги замонавий қишлоқ врачлик пунктида ўн минг нафардан ортиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатилади. Мазкур шифо масканининг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланиши аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

— Барча қишлоқ врачлик пунктларида тиббий маданиятни ошириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга катта эътибор қаратмоқдамиз, — дейди туман соғлиқни сақлаш бўлимининг бош шифокори Алишер Олимов. — Айни кунларда мазкур шифо масканларимизда малакали шифокор ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатмоқда.

СУРАТДА: *Риштон тумани Бужай қишлоғида фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пункти.*

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

НОГИРОН БОЛАЛАРГА АРАВАЧАЛАР

Яқинда "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан шаҳар ва туман ижтимоий таъминот бўлимлари ҳисобида турган кам таъминланган оилаларнинг 20 нафар вояга етмаган ногирон болаларига бепул ногиронлик аравачалари тарқатилди.

Уларни жамғарманинг вилоят бўлими раиси Толибжон Ҳафизов ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Нодиржон Содирдиновлар ногирон болаларнинг отаоналарига топширишди.

Шунингдек, Фарғона шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ҳисобида турган 8 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига "Олтиариқ", "Қосонсой", "Товоқсой" сиҳатгоҳларида дам олишлари учун бепул йўлланмалар берилди.

МУХБИРИМИЗ

Ўзбек спортчилари довруғи

Қўл жанги бўйича СПОРТЧИЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМ

Кўҳна ва қадимий шаҳар Самарқандининг 2750 йиллигига бағишлаб шу йилнинг 23-27 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Шарқ яккакураши ва жанг санъати республика маркази ташаббуси билан Самарқандда Қўл жанги бўйича ёшлар, катталар ва қизлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтган эди. Чемпионат баҳсларида дунёнинг 13 та мамлакатидан 247 та спортчи қатнашди. Юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимизнинг 14 нафари турли вазнларда биринчи ўринга сазовор бўлишди, шунингдек, спортчиларимиз 16 та совринли ўринни ҳам қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида пешқадам бўлдилар.

Куни кеча Тошкентдаги Олимпия тарихи музейида ушбу чемпионат ва шу йилнинг 25 июнидан 3 июлигача Жанубий Кореянинг Ёнг-жу шаҳрида бўлиб ўтган У-шу бўйича ёшлар ўртасидаги IV-Осиё чемпионати ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Спортчиларимиз Жанубий Кореядан иккита бронза ва битта кумуш медаль билан қайтишган эди. Тантанали маросимда, шунингдек, ўз ишига фидойи бир гуруҳ мураббийлар ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

СУРАТЛАРДА: *тантанали маросимдан лавҳалар.*

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Фармон ижроси йўлида

Қашқадарё вилояти

ИМТИЁЗЛИ ИМКОНИЯТ

Вилоятда 2006 йилда 19494 та никоҳ қайд этилган, ёш оилаларда 53967 нафар фарзанд дунёга келган. Оиланикоҳ муносабатлари бўйича ўтказилган ижтимоий сўровларда мустаҳкам, бахтли, намунали турмуш кечиришнинг энг муҳим шарти моддий ҳамда молиявий мустақиллик эканлиги алоҳида эътироф этилди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони нечоғли долзарб аҳамият касб этиши ўз-ўзидан маълум. Вилоят ҳокимлигидаги мазкур Фармондан келиб чиқадиган вазифалар ижроси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган семинарда ана шу хусусида сўз борди.

Мазкур тадбирда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, жамоат ташкилотлари мутасаддилари, вилоятдаги тижорат банклари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда республика Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова сўзга чиқиб, Фармон ижроси доирасида энг аввало ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёшларни иш билан таъминлаш, уй-жой ва маиший шароитини яхшилаш учун амалий чора-тадбирлар белгилаш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Фармонга кўра, республиканинг ҳар бир ҳудудида янги иш ўринлари яратиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш, ёш оилага ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар, уй-жой ва бошқа маиший муаммоларни ҳал этиш учун ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш кўзда тутилмоқда. Семинарда республика Марказий банки департаменти директори Шуҳрат Каримов, республика "Микрокредитбанк" бошқаруви раиси ўринбосари Шукурулло Умуров, мазкур банкнинг ипотека кредити бошқармаси бошлиғи Даврон Абдумўминовлар ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида ажратиладиган кредитлар ҳақида батафсил тушунча бердилар.

"Ипотекабанк" вилоят филиали томонидан ёш оилаларга 840 миллион сўм кредит ажратилиши кўзда тутилган. Якка тартибда уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун энг кам иш ҳаққининг 3000 баробари миқдоригача ипотека кредити ажратилади.

Яна бир қулайлик шундан иборатки, хўжалик субъектлари томонидан қайтариб олмаслик шарти билан ёш оила тоифасига кирувчи ходимларига ипотека кредити бадалларини тўлашга ёки мулк сифатида уй-жой сотиб олишга рухсат этилади.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

"Футболимиз келажаги" турнири мусобақаларида

Тошкент вилояти

"Футболимиз келажаги" Республика турнирининг 11-12 ёшли болалар ўртасидаги вилоят босқичи беллашувлари Оҳангарон шаҳридаги марказий ўйингоҳда бўлиб ўтди.

«ГУЛИСТОН» НАВБАТДАГИ БОСҚИЧДА

Унда ҳудудий босқичларда ғолиб чиққан Оҳангарон туманидаги Ўзбекистон, Тошкент туманидаги Гулистон, Чирчиқ шаҳридаги Оппоқ ҳамда Чиноз туманидаги Афғон маҳаллаларининг футбол жамоалари ўзаро куч синашишди. Муросасиз баҳсларда Гулистон маҳалласининг ёш футболчилари ғолибликни қўлга киритиб, турнирнинг республика саралаш босқичида қатнашиш учун йўлланма олди.

Мусобақа якунида ғолибларга "Маҳалла" жамғармаси ҳамда ҳомийлар томонидан спорт кийимлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўғилой ЎРАЗОВА,
"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ходими.

Наманган вилояти

БЕЛЛАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Вилоятда болалар ва ўсмирлар ўртасида "Футболимиз келажаги" республика турнирининг мусобақалари ўтказилмоқда.

Наманган шаҳри ҳамда Мингбулоқ ва Тўрақўрғон туманларида бўлиб ўтган учрашувлар натижасига кўра, Поп туманидаги Халқобод, Наманган шаҳридаги Сўфизода номли, Наманган туманидаги Юқори ғирвон ва Норин туманидаги Катта яйдон маҳаллалари футболчилари турли ёш тоифасида ғолибликни қўлга киритишди. Июль ойининг охирига қадар турнирнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадиган жамоалар номи аниқланади.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йили Чуст туманидаги Дўзанда маҳалласининг ёш футболчилар жамоаси мазкур мусобақанинг республика босқичи беллашувларида иштирок этган эди.

Содиқ САЙҲУН

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
www.mahalla.uz
E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

— Яна нима дейсиз?
— Сиҳатгоҳга борайлик, йўлланмаси бизга бепул экан-ку.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Қашқадарё вилояти

"БАЙРАМ БАРЧАМИЗНИКИ..."

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан Қарши шаҳридаги болалар маданият ва истироҳат боғида "Маҳалламиз болалари" мавзуида ўтказилган тадбир "Байрам барчамизники — бутун халқимизники" шиори остида ўтди.

Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад Ўзбекистоннинг жаҳон маданиятида тутган ўрни ва кўп минг йиллик тарихини, шу билан боғлиқ анъаналарини тарғиб қилиш, маҳаллаларда ёш истеъдодларни кашф этиш ва шу йўл билан ёзги таътил даврида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган.

Иштирокчилар ўз чиқишларида маҳаллалар тарихи, маданияти, урф-одатлари ҳақида сўзлаб бериш билан бирга, ўзлари тайёрлаб келган ҳунармандчилик маҳсулотларини ҳам намойиш этишди.

Тадбирда Шайхали номли маҳалла ёшлари ўз билим ва маҳоратларини намойиш этиб, биринчи ўринни эгаллади. Насаф ҳамда Арал маҳаллаларига иккинчи ва учинчи ўрин насиб этди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ

Фарғона вилояти

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан

ШУКРОНАЛИК ҚАЛБДАН ҚАЛБГА КЎЧСИН!

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 16 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, "Камолот" ЁИҲ, Маънавият тарғибот маркази, "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят бўлимлари, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, касаба уюшмалари, хотин-қизлар қўмитаси, вилоят телевидениеси ва "Фарғона ҳақиқати" газетаси таҳририяти ҳамкорликда кенг кўламдаги тарғибот-ташвиқот ишларини режалаштириб, амалга оширмоқда.

Шулардан бири жойларда ташкил қилинган "Шукроналик" тарғибот-ташвиқот гуруҳларидир. Бу гуруҳларга катта ҳаётий ва меҳнат тажрибасига эга бўлган фаол фахрийлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, олимлар, ёзувчи ва журналистлар жалб этилган. Улар маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида бўлиб, аҳоли ва ёшлар ўртасида давра суҳбатлари ташкил этиб, истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, маънавий-маданий янгиланишлар, айниқса, миллий қадриятларимизни тиклаш, аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини тадқиқ этиш, муқаддас қадамжоларни таъмирлаш ва ободонлаштириш борасидаги ишлар ҳақида маъруза қилишмоқда. Данғара туманидаги Оқжар ва Боғиш маҳаллалари фуқаролар йиғинларида "Шу азиз Ватан барчамизники" мавзуида ўтказилган маърифий-маданий тадбир ҳам жуда қизиқарли тарзда ўтди.

Бу каби тадбирлар Қўқон шаҳрида, Қува ва Бувайда туманлари маҳаллаларида ҳам ўтказилди.

Вилоят телевидениеси ва "Фарғона ҳақиқати" газетасида янги рукнлар очилиб, жамиятимиз, юртимиз равнақи йўлида фидойилик қилаётган замондошларимиз, уларнинг фаолияти ҳақида телеочерклар, мақолалар берилмоқда.

Тошкент шаҳри

МАҲАЛЛАДОШЛАР — САЁҲАТДА

нуроний отахон ва онахонлар юртимизнинг тарихий обидаларга бой шаҳарларида зиёратда бўлдилар

"Маҳалла" жамғармаси Мирзо Улуғбек тумани бўлинмаси томонидан 100 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож кекса ва ногирон фуқароларнинг юртимиз тарихий шаҳарлари ва буюк аждодларимиз номлари билан боғлиқ қадамжоларга бепул зиёратларини ташкил этиш белгиланган эди. Шу муносабат билан яқинда табаррук ёшдаги отахонлардан 46 нафари қадимий Шаҳрисабз шаҳри ва Имом ат-Термизий қадамжосини зиёрат қилиб қайтишди. Ушбу хайрли иш учун ҳомийлар томонидан 3 млн. 500 минг сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Тумандаги Файзулла Хўжаев номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раъногон Очилова ташаббуси билан Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи олдидан у ерда олиб борилаётган ободончилик ишлари, қайта таъмирланаётган кўҳна обидалар ва бошқа соҳаларда эришилаётган ютуқлар билан танишиш мақсадида 54 нафар онахон зиёратга юборилди. Зиёратчилар Регистон мажмуаси, Шоҳизинда, Гўри Амир мақбаралари ва Улуғбек расадхонасида бўлдилар. Уларда, айниқса, Имом ал-Бухорий мажмуасининг зиёрати катта таассурот қолдирди. Мазкур саёҳат харажатлари "Ўзкабель" корхонаси ва маҳалла фуқаролар йиғини томонидан қопланди.

Шунингдек, 96 нафар фуқаронинг Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарлари ва Имом ат-Термизий мажмуасига зиёратлари ҳам ҳомийлар кўмагида амалга оширилди.

МУХБИРИМИЗ

Обод бўлган қишлоқлар

Сурхондарё вилояти

Элбоён темир йўл бекатидан кейин Шўрчи туманидаги Шўрчи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди бошланади. Йўл-йўлакай обод ва кўркам қишлоқларнинг қиёфаси, маҳаллалар кўркига кўрк қўшиб турган дарахтлару гулларни кўриб, ҳавас қиласан киши.

КАНАЛ УСТИГА КЎПРИК ТУШДИ...

Ташаббускор ва ташкилотчи инсон Чори Чоршанбиев ҳудудида 17 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган ушбу қишлоқ йиғинига раислик қилмоқда. Йиғин раиси энди қош қорайди, иш вақти тугади, деб хотиржам ўтиришга одатланмаган. У бошлаган ишини охирига етказмагунича хотиржам бўла олмайди. Қишлоқдаги ҳар оиланинг ўз ташвиши, муаммоси бор. Бундан ташқари, йиғин ҳудудини ободонлаштириш каби масалалар ҳам оқсоқол зиммасида. Лекин излаган имкон топар, деганларидек, оқсоқол ҳам доимо изланади, баъзида ҳамқишлоқлари маслаҳати ва ёрдамига таянади. Хусусан, раис Ҳурлик маҳалласи оқсоқоли Бозор Поёнов билан маслаҳатлашиб йиғин ҳудудидан оқиб ўтадиган Қумқўрғон канали устига ҳашар йўли билан кўприк қуриш ташаббуси билан чиқди. Натижада қисқа вақт ичида кўприк қурилиб, Ҳурлик ва Ойнакўл маҳаллалари аҳолисининг узоғи яқин бўлди.

Навбатдаги вазифалардан бири ҳудуддаги қабристонни обод этиш эди. Бу гал йиғин фаоллари, кайвонилар кенгашидаги Қурбон ҳайити байрами яқин эди. Маълумки, шу муносабат билан ҳар икки хонадондан бирида қурбонлик учун қўй сўйилади. Савобга аталган жонлик савобли амаллар йўлида ишлатилиши керак. Ҳатто унинг териси ҳам. Маҳалла оқсоқоли фаоллар кўмаги билан сўйилган қўйларнинг терисини йиғиб олишди, ундан тушган маблағ эса қабристонни ободонлаштириш, таъмирлаш ишларига сарфланди.

Йиғин ҳудудидаги Қораарик ва Ойнакўл маҳаллалари туман марказидан узоқда жойлашган. Боз устига, бу ерда алоқа воситаси ҳам йўқ. Шу боис, баъзан оддий бир юмуш учун ҳам пиёда анча йўл босишга тўғри келарди. Фуқароларга бу борада ҳам қулайлик яратиш мақсадида маҳаллага рация ускунаси ўрнатилди. Ҳурлик ва Ёруғлик маҳаллаларига уч километрлик газ қувури тортилди. Бундан ташқари, раис бошчилигида саховатпеша ҳамқишлоқлар ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган оилалар ҳолидан мунтазам хабар олиб туришади.

Дарвоқе, Шўрчи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 101 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Хайрли ишларни амалга оширишда улар оқсоқолга мададкор. Жумладан, фермерларнинг ҳиммати билан Қораарик маҳалласидан ўтган Қорасув ариғи устига кўприк қурилди. Ойнакўл қишлоғидаги Боймат бобо қадамжосининг атрофи девор билан ўралиб, ободонлаштирилди. Ўтган баҳорда "Ҳурлик" фермер хўжалиги раҳбари Хурсанд Шоймардонов йўл ёқаларига ўтказиш учун 600 туп кўчат ажратди. Эшмамат бобо ва Улуғбек номли фермер хўжаликларининг раҳбарлари Жўра Тожиев ва Чори Мирзабоқиевлар ҳам бу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшишди. Бунинг самараси ўлароқ қишлоқ йиғини ҳудуди йилдан-йилга чирой очиб боряпти.

Омон ШУКУРОВ, "Mahalla" мухбири.

ЯНГИ КАМОЛОНда «ҚУВНОҚ СТАРТЛАР»

Айни пайтда юртимиздаги барча болалар дам олиш масканлари болажонлар билан гавжум. Уларнинг вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида оромгоҳларда турли тадбирлар уюштирилмоқда. Шунингдек, таътилни ўз уйларида ўтказаётган болажонларнинг бўш вақтини чоғ ўтказишни кўзда тутиб, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда унинг қошидаги "Камалак" болалар ташкилоти бошчилигида жойларда турли тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Шайхонтоҳур туманидаги Янги камолон маҳалласида ўтказилди. Бу ерда ташкил этилган "Қувноқ стартлар" ўйинлари болажонларга завқ-шавқ улашди. Ўйинлар ниҳоясига етгач, ташкилотчилар томонидан иштирокчиларга теннис тўплари ва ракеткалари совға қилинди.

СУРАТЛАРДА: *тадбирдан лавҳалар.*



Тошкент шаҳри

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Навоий вилояти

Йил дастури ижроси — амалда

ИШСИЗГА ИШ КЕРАК, МУҲТОЖГА КЎМАК

Деҳқон маҳалласи мутасаддилари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда ана шу талаб асосида иш тутадилар

Деҳқон маҳалласи Кармана тумани марказида жойлашган. Бу ерда 25 минг нафардан ортиқ фуқаро истиқомат қилади. Мана, тўққиз йилдирки маҳалла раислиги катта тажриба ва малакага эга инсон — Раҳима опа Комилова зиммасида.

Маълумки, ижтимоий ҳимоя муассасасида давлат ва ҳокимият ташкилотларига алоқадор идора ва муассасалар маълум режа ва дастурлар асосида иш юритади. Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам бундан мустасно эмас.

Деҳқон маҳалласида ҳам "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури асосида алоҳида иш режаси ишлаб чиқилган. Унда асосий эътибор маҳаллада истиқомат қиладиган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг аҳволини тўла-тўкис ўрганиб чиқиш ва шу асосда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилган.

— Маҳалла томонидан ёки ҳомийлар ҳисобидан ажратиладиган маълум миқдордаги маблағ билан эҳтиёжманд оиланинг иқтисоди яхшиланиб, соддароқ қилиб айтганда, иши юришиб кетишига кафолат йўқ. Шу боис, биз ҳимояга муҳтож оилаларнинг ўзига хос қийинчилиги, дарди ва ғам-ташвишларини чуқур ўрганиб, уларнинг эҳтиёжларини қўлдан келганча таъминлашга ҳаракат қиламиз, — дейди маҳалла раисаси Раҳима Комилова.

Дарҳақиқат, амалда ҳам шундай бўляпти. Энг аввало ҳудудда мавжуд кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиш асосида жорий йилнинг биринчи ярмида бевосита маҳалла аралашуви билан 10 га яқин оилага иқтисодий кўмак берилди. Жумладан, якка-ёлғиз фуқаро Фотима Ғаффорованинг уй-жойи ҳомийлар ёрдами билан таъмирлаб берилди. Ижтимоий таъминот бўлими томонидан ажратилган зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг ўз вақтида бериб борилиши назоратга олинди. 2 нафар эҳтиёжманд оиланинг ишсиз аъзолари учун иш ўринлари яратилди. 1 нафар оилага 50 бош товуқ, 3 нафар оилага қорамол олиб берилди. I гуруҳ ногиронлари бўлган фуқаролар Маъқул Ҳайитов, Севара Уроқовалар коммунал тўловларни тўлашдан озод этилди. Айни пайтда эса 3 нафар оилага "Пахтабанк"нинг туман бўлими ҳисобидан имтиёзли кредит ажратиш чораси кўриляпти.

Ҳамроз АЛИ, "Mahalla" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

ОВУЛДОШЛАР ИБРАТИ

Чимбой тумани Тозгара овулидаги Хўжабоевлар хонадонига ташриф буюрган овул фуқаролар йиғини раиси Уснаддин Хўжанов бошчилигидаги фаоллар ушбу оиланинг яшаш шароити билан яқиндан танишиб, инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишди.

Мазкур овулда бу каби хайрли ишлар тез-тез амалга ошириб турилади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурига мувофиқ 147 та кам таъминланган оилага жами 2 млн. 887 минг сўм миқдорида ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Фарзандлари тарбияси билан шуғулланаётган 33 нафар она ва 18 та боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилага нафақалар ўз вақтида тарқатиляпти. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва ногиронлар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ҳудуддаги 33 та оила фарзандларига бепул кийим-кечаклар тарқатилди.

— Ҳудудимизда 27 та аҳоли яшаш пункти мавжуд, — дейди овул оқсоқоли У.Хўжанов. — Иш жараёнида аҳолининг яшаш ва меҳнат шароитларини яхшилашга катта аҳамият қаратамиз. Илгари ҳудудимизда ичимлик суви муаммоси мавжуд эди. Эндиликда 45 та сув чиқариш қудуғи аҳолини оби ҳаёт билан таъминламоқда. Айни пайтда яна 40 та қудуқда қазиш ишлари олиб борилмоқда.

Тозгаралик болалар эса янги ўқув йили бошланиши билан ҳозирда қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган 24-мактабнинг барча қулайликларга эга бўлган замонавий синфхоналарида таҳсил олиш имкониятига эга бўладилар.

Асил БЕК, "Mahalla" мухбири.

"Ҳидоят" гулшанидан

Кишининг оила аъзоларидан сўнг энг кўп мулоқот қиладиганлари қўшниларидир. Инсоннинг ўзгаларга муносабати қўшниларга муносабати орқали шаклланади. Қўшниларни ҳурматлаган ва уларга яхшилик қилишни ўрганган, ёмонликни раво кўрмаган киши барчани ҳурматлайди, ҳеч кимга ёмонлик қилмайди.

БАРЧАМИЗ ҚЎШНИЛАРМИЗ

Шунинг учун Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай деганлар: *"Ким Аллоҳ таолога ва қиёмат кунига имон келтирган бўлса, қўшнисини ҳурматласин"* (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

"Кимнинг ёмонликларидан қўшниси омон бўлмаса, у жаннатга кирмайди" (Имом Муслим).

Инсоннинг ҳурмати унинг ҳаққини адо этиш билан бўлади. Қўшни ёрдам, қарз сўраса, ёрдам ва қарз бериш; бетоб бўлса, ҳолини сўраш; бирор неъмат билан мушарраф бўлса, қутлаш; унга мусибат етса, тасалли бериш; оламдан ўтса, жанозасида қатнашиш; у рози бўлмаса, уйнинг деворини унинг уйи деворидан баланд қилмаслик; тансиқ таом қилганида унга насиба бериш; ҳарид қилган мевасига фарзандлари кўзи тушса, уларга ҳам улашиш қўшничилик ҳақларидандир.

Динимизга кўра, қўшничиликда миллатнинг, диннинг ва насабнинг аҳамияти йўқ. Қўшни ким бўлишидан қатъи назар, уни ҳурматлаш вожиб, унга озор етказиш ҳарамдир. Бу нарса ҳадиси шарифларда баён қилинган.

Кишига қўшнилари берган баҳо энг тўғри баҳодир. Ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу) айтадилар: *"Бир киши: "Ё Расулуллоҳ, яхшилик ва ёмонлик қилганимни қандай биламан?" деб сўради. Унга Расулуллоҳ: "Агар қўшниларингиз яхши қилдингиз деса, яхшилик қилган, ёмон қилдингиз деса, ёмонлик қилган бўласиз", дедилар.*

Ҳазрати Умар айтадилар: *"Кимни қўшниси, яқинлари ва йўлдоши мақтаса, унинг яхшилиги ҳақида шубҳа қилманг".*

Қўшничилик тушунчаси биз ўйлаганимиздан анча кенгдир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: *"Билингки, қирқ ҳовли қўшнидир".* Бу ҳадиси шарифни ривоят қилган Зуҳрий (розийаллоҳу анҳу) бундай шарҳлаган: "Олди томондан қирқ ҳовли, орқа томондан қирқ ҳовли, ўнг томондан қирқ ҳовли ва чап томондан қирқ ҳовли қўшнидир".

Дарҳақиқат, қўшниларнинг қўшниси ҳам қўшни ҳисобланади. Шундай экан, биз ҳаммамиз қўшнилармиз. Демак, барчамиз бир-биримизни ҳурматлашимиз керак, ҳеч кимга озор бермаслигимиз лозим.

«Ҳидоят» журналининг 2007 йил 6-сонидан олинди.

ҒАМХЎРЛИКДАН БОЛАЛАР ҲАМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Ёш авлод камолотида мароқли ҳордиқ чиқаришнинг ҳам аҳамияти катта. Зотан, ёзги таътилнинг қандай ўтказилганлиги ўқувчининг йил давомида фанларни ўзлаштиришига ва кайфиятига таъсир этмай қолмайди, албатта. Негаки, жисмонан ва руҳан яхши дам олган боланинг билим олишга, фанларни ўзлаштиришга бўлган иштиёқи ортиши аниқ. Шу боис, ҳар бир ота-она ёзги таътилда фарзандининг мароқли дам олишини, шу билан бирга соғлигини мустаҳкамлаб, янги ўқув йилини яхши кайфият билан бошлашини хоҳлайди. Бунинг учун эса мамлакатимизда барча имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссияси маълумотига кўра, жорий йилда жами 230 минг нафар боланинг оромгоҳларда дам олишини таъминлаш белгиланган. Унда мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш учун оромгоҳларда коммунал тўлов ва йўл харажатлари икки баравар арзонлаштирилган ҳолда кўрсатилиши алоҳида таъкидланади. Шунингдек, оромгоҳларда болаларнинг мароқли дам олишлари учун етарли шарт-шароит яратиш, турли тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш, спорт мусобақалари, беллашувлар ташкил этиш, кўнгилочар тадбирларни уюштириш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинган. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар натижасида республика бўйича жами 763 та оромгоҳ шай ҳолатга келтирилиб, болаларни қабул қилмоқда.

Бу йилги мавсумда шаҳар ташқарисидаги, санатория типидаги, мактаб, коллеж, лицейлар қошидаги, спорт соғломлаштириш, меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга уч навбатда болалар қабул қилинади. Айни пайтга қадар 1-навбатда қабул қилинган 79654 нафар бола оромгоҳларда мароқли дам олиб қайтди.

— "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида амалга оширилиши кўзда тутилган тадбирлар шунчалар кенг қамровлики, унда аҳолининг ёшидан қатъи назар ижтимоий ҳимояга муҳтож барча қатламлари, таъбир жоиз бўлса, ҳеч бир юртдошимиз эътибордан четда қолмайди. Худди шу маънода ногирон ва ёлғиз кексалар қатори болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Барчамизга аёнки, оролбўйи минтақасида экологик аҳволнинг ёмонлашуви бу минтақа аҳолиси, айниқса, ёш авлод саломатлиги учун ғамхўрлик кўрсатишга асос беради. Шу туфайли анъанага мувофиқ жорий йилда ҳам ушбу минтақада улғаяётган 3 минг нафар болага оромгоҳлар учун бепул йўлланмалар ажратилди, — дейди Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгаши бош мутахассиси Мавлуда Шукурова. — Шундан 2 мингтаси Қорақалпоғистон, мингтаси Хоразм вилояти ҳиссасига тўғри келади. Бепул йўлланмалар асосан Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, кам таъминланган ва кўмакталаб, кўп болали оилаларнинг фарзандларига берилган. Улар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда ҳордиқ чиқарадилар. Айни дамга қадар бундай масканларда 1820 нафар бола дам олиб, соғлигини тиклаб қайтди. Бундан ташқари, республика бўйича Меҳрибонлик уйларининг 2 минг нафар тарбияланувчиси ҳам бепул дам олиш имкониятига эга бўлди. Ташкилот ва муассасаларга қарашли оромгоҳ йўлланмалари нархида эса ўша ташкилот ва муассаса ходимлари учун турли фоизлардаги чегирмалар мавжуд.

Ҳа, бугун юртимизнинг энг хушманзара ва сўлим манзилларида жойлашган оромгоҳлар болалар билан гавжум. Бу ерда ўтказилган дамларнинг сурури, ширин хотиралари, боғланган дўстлик ришталари болажонларга умрбод ҳамроҳ бўлиб қолиши шубҳасиз.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Саҳифадаги мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фондининг «Ижтимоий ҳимоя: унда фуқаролар йиғинларининг роли» мавзусидаги лойиҳаси доирасида тайёрланди.

Кўзгудаги аксимиз

Пойтахтимиздаги кинотеатрлардан бирида янги фильмни томоша қилиш мақсадида жуфт-жуфт бўлиб залга кириб кетаётган ёш йигит-қизларни кўриб, хаёлимдан баъзи мулоҳазалар ўтди. Бундай киносаройларни тўлдириб ўтирганларнинг кўпчилиги нега айнан балоғат, борингки, турмуш қуриш ёшидаги йигит-қизлар? Нима учун борган сари театр залларидан ёшларнинг, киносаройлардан эса ёши катта юртдошларимизнинг оёғи тортилиб боряпти? Умуман, бугун ёшларимиз қаерда ва қандай маданий ҳордиқ чиқаришяпти?

КИНОга БОРАСИЗМИ ЁКИ МУЗЕЙга?..

Албатта, маданий ҳордиқ чиқариш учун нафақат театр ёки киносаройлар, балки музей, галерея, маданият ва санъатга оид турли кўргазмаларга ҳам боришимиз мумкин. Лекин кишини ўйлантирадиган жиҳати шундаки, аксарият ёшларни спектаклар, опера ва балет асарлари ёки музей ва турли кўргазмалар эмас, балки катта ёшли кишиларнинг таърифи билан айтганда, "енгил-елпи" мазмундаги кинофильмлар кўпроқ қизиқтириб қоляпти. Ушбу фильмлар, аслида, юртдошларимизнинг маънавий ҳордиқ чиқаришига етарлича имкон яратиб бера олармикан? Эътибор берган бўлсангиз, кейинги пайтларда суратга олинаётган фильмларга катта ёшли кишилар унчалик қизиқишмаяпти. Хўш, нега? Негаки, бундай фильмлар мавзуси турли ёш тоифасидаги кишиларнинг талабу эътиборини, қизиқишларини қамраб ололмайди. Тўғри, ҳар қайси замонда ҳам севги-муҳаббат, садоқатни тараннум этувчи чин ижод маҳсули халқ ўртасида кенг оммалашган. Бу — барҳаёт мавзу. Бироқ муҳаббатнинг кинофильмдаги саёз талқини, "енгил-елпи" сюжет зийрак, дунёқараши, тафаккури юксак томошабинни ўзидан узоқлаштиряпти, назаримда. Бутун омма талабига мос миллий кинофильмларимиз эса, афсуски, саноқли.

Эҳтимол, ўзингиз ҳам мулоҳаза қилиб кўргандирсиз: музей, галерея ёхуд биз юқорида айтганимиздек, фото, рассомчилик, қадимий топилма экспонатлари, амалий санъат кўргазмаларига фақат турли ўқув муассасаларидаги ўқитувчиларнинг мажбурий уюштириши билангина ўқувчи ва талаба-ёшлар ташриф буюришяпти. Ёки талабалар ўзи таълим олаётган олийгоҳ маъмурияти томонидан ташкил этиладиган "Маънавият кунлари"дагина театрларга тушиб, саҳна асарларини томоша қилишади.

Яна бир эътиборли томони, синфдошлар ёки курсдошлар бугунги кинофильмларни томоша қилиш учун ихтиёрий равишда тез ва осон уюшишаяпти-ю, бироқ музейларга бориш ташаббуси билан чиқиб, тенгдошларини ўз ортидан эргаштирадиган ёшларнинг аввало ўзи йўқ, бор бўлганда ҳам, уларга эргашадиган тенгдошлари камроқ.

Хўш, бунинг сабаблари нимада?

Оммавий ахборот воситалари, хусусан, телеканаллар орқали кинофильмларнинг рекламасига ҳар куни кўзимиз тушади. Боз устига, ҳали тасвирга олинмаган фильмлар ҳақида ҳам такрор-такрор кўрсатувлар тайёрланмоқда. Ҳали суратга олиш, ҳали монтаж, ҳали овозлаштириш, қўйингки, кинофильм яратилиши жараёнининг миридан-сиригача ҳикоя қилувчи бундай кўрсатувлар баъзи томошабиннинг меъдасига тегиб кетса, баъзи ёшларнинг қизиқишларига сабаб бўляпти. Демак, улар ҳали тайёр ҳолга келмасдан, ҳеч қандай мутахассис ёки зукко томошабин баҳосини олмасдан, келажакда фильмнинг муваффақиятли чиқиш-чиқмаслиги ҳам номаълум бўлган бир тарзда оммалаштириляпти. Аслида, бу тўғримикан? Бироқ саҳна асарлари яратилгунга қадар бораётган ижодий жараён ҳақидаги реклама ва кўрсатувларга негадир онда-сонда дуч келамиз. Ваҳоланки, мамлакатимиз театрларида саҳнага қўйилаётган спектакларнинг инсон камолотида тутган ўрни беқиёс. Ҳеч бўлмаганда, актёрларнинг саҳнада ўзини тутишини кўриб ҳам санъатнинг жилосига ошуфта бўлиш ва истаганча маданий ҳордиқ чиқариш мумкин.

Яқинда бир маданият ходими билан суҳбатлашиб қолдим. Унинг фикрича, бизнинг ёшларимизда опера ва балет асарларига деярли қизиқиш йўқ. У бунинг сабабларидан бирини опера ва балет театрида намойиш этилаётган асарлар тўғрисида томошабинларнинг етарлича маълумотга эга эмаслигига боғлади.

Шунингдек, турли санъат кошоналарида очилган кўргазмалар ҳақида фақат ахборот дастурлари орқалигина хабар топамиз. Моҳир суратка ш, рассом, кулол, бир сўз билан айтганда, ижодкорларнинг меҳнати сингган санъат буюмлари томошабинга, хусусан, ёшларга кинотеатрларда намойиш этилаётган баъзи фильмлардан кўра кам маданий озуқа бермайди, назаримда. Аммо улар ҳақида кинофильм ёхуд концерт дастурлари сингари кўп ва хўп гапиришни эсдан чиқариб қўймаяпмизмикин?

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Замонавий қулайлик

Самарқанд вилояти

ТАДБИРКОРЛАР — БУНЁДКОР

Ҳудудида 20 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Жўш қишлоқ фуқаролар йиғини Қўшработ туманида жойлашган. Унинг ўрамида бир-биридан беш, олти чақирим масофада жойлашган еттита маҳалла мавжуд.

Қишлоқ аҳолиси асосан узумчилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Эътиборли томони шундаки, бу ерлик тадбиркорлар ҳамқишлоқларининг оғирини енгил қилиш, қулайликлар яратиш учун бел боғлаганлар. Яқинда тадбиркор Дилшод Бобоев отаси Пардабой акадан оқ фотиҳа олиб, қуришни бошлаган замонавий чойхонани ишга туширди. Ундан ўрнак олган Алишер Некбоев ҳамда Баҳодир Мўминов барча қулайликларга эга бўлган сартарошхона ва ҳаммом қуриб, халқ хизматига топшириш тараддудида.

32-мактабнинг янги икки қаватли кўркам биноси жўшликларнинг қувончига қувонч қўшди. Тоз, Чиноқ, Қоракиста маҳаллалари аҳолиси эса 15 километр олисдаги Нурота тоғ тизмаларидан полиэтилен қувурлар орқали келтирилган зилол сувдан баҳраманд бўлмоқда.

Ҳикматилло НУРМАТОВ,
Қўшработ туманидаги Жўш қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳридаги Кўрғонча маҳалласида 700 кишига мўлжалланган янги тўйхона қуриб ишга туширилди.

ҚЎРҒОНЧАДА ТЎЙХОНА

"Райҳон" деб номланган ушбу тўйхона хизматидан биргина кўрғончаликлар эмас, қўшни Харамжўй, Каманди, Мағзон, Лағмон ва бошқа маҳаллалар аҳолиси ҳам фойдаланишлари мумкин. Бу ерда тўйтантаналарни ортиқча ташвиш ва оворагарчиликларсиз ўтказиш имкониятини яратиш мақсадида буюртмачиларга анъанавий хизматлардан ташқари махсус автомобилларда хизмат кўрсатиш, видео ва фототасвирга тушириш, хонанда ва артистлар иштирокини таъминлаш сингари хизматлар ҳам таклиф қилинади. Тўй эгасининг молиявий аҳволини эътиборга олган ҳолда маълум чегирмалар асосида, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга эса имтиёзли нархларда хизмат кўрсатилади.

МУХБИРИМИЗ

Фаолиятда фаол йигитлар

Тошкент вилояти

ДАРЁ БЎЙИДАГИ МАҲАЛЛАга ...СУВ КЕЛДИ!

Илгарилари Эски шахматчи дея аталган бу маҳаллага 2004 йилда бекободлик Меҳнат Қаҳрамони Қосим Фармонов номи берилган эди.

Айни кунда маҳаллада 3800 нафардан ортиқ фуқаро яшайди, йиғинни Мирзабек Холмирзаев бошқармоқда. Шундоққина Сирдарёнинг соҳилида жойлашган ушбу маҳалла Бекободнинг кўркига кўрк қўшаётган обод гўшалардан бири саналади.

Маҳаллада кейинги вақтда юз берган эътирофга лойиқ воқеа Наврўз, Камолот ва Олчазор кўчаларига ҳомийлар ёрдами ва ҳашар йўли билан тоза ичимлик суви келтирилгани бўлди. "Бекободсувоқова" ишлаб чиқариш бошқармаси жамоаси ва унинг раҳбари Эркин Турдиматовнинг жонбозлиги, Жиззахдан келган монтажчи-пайвандчиларнинг ғайрат-шижоати туфайли қисқа муддат ичида 2 минг метр узунликдаги сув қувурлари ётқизилди.

Шу йил баҳорда маҳалла ҳудудида 2 минг тупдан ортиқроқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Қабристон тартибга келтирилди. Маҳаллага кираверишда темирдан тайёрланган катта арк ўрнатилди. Унинг бунёд этилишида "Бекободцемтаъмир" корхонаси маъмурияти кўмак берди.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан йиғинда амалга оширилаётган тадбирлар ҳам салмоқли. 40 нафар ишсиз ёшлар шаҳар меҳнат бўлими билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар самарасида муқим иш ўрнига эга бўлди. Тадбиркор-ишбилармонлар ҳомийлигида йиғиндаги 27 та кам таъминланган оилани озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар билан таъминлаш йўлга қўйилди. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар режалаштириб, амалга оширилмоқда.

— Маҳалламизда янги тўйхона қурилишини режалаштирганмиз , — дейди йиғин раиси Мирзабек Холмирзаев. — Бу ишда ҳам ҳомийлар кўмагидан умидворлиз. Тиббий муолажа хонаси ҳам яқинда ишга тушади. Ҳали қилинадиган ишлар бисёр. Масалан, ободонлаштириш ишлари қамровини янада кенгайтириш учун маҳалламизда суғориш тизимини тубдан яхшилаш талаб этилади...

Маҳалладошлар, айниқса, аёллар ўртасида касаначиликнинг ривожланганини айтмайсизми?! 30 нафар аёл уй-рўзғор юмушларидан ажралмаган ҳолда буюртма асосида тикувчилик, қандолатчилик билан машғул. Ҳайдаровлар оиласида дурадгорлик, Муҳиддиновлар оиласида эса чинни буюмларга безак бериш бўйича "Уста-шогирд" анъанаси йўлга қўйилди. Тажрибали кулол Дилбар Йўлдошеванинг лой ва гипсдан тайёрлаётган ранг-баранг буюмлари эса жуда харидоргир.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

Муаммо ва ечим

Фарғона вилояти

Жамоатчилик назорати: У ЖАМОАТ МАНФААТИНИ КЎЗЛАЙДИ

Вилоятдаги шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назорати гуруҳлари фаолият кўрсата бошлаганига беш йилдан ошди. Ўтган вақт мобайнида ушбу гуруҳлар фаолияти самараси ўлароқ, бир қатор муаммолар ўз ечимини топди. Жамоатчилик назорати гуруҳлари Қўқон, Қувасой шаҳарлари, Қува, Тошлоқ, Фарғона, Ўзбекистон, Ёзёвон, Бешариқ, Бувайда ва Учкўприк туманларида айниқса, фаол ишламоқда.

Кейинги вақтларда фуқаролар ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасида электр энергияси ва табиий газдан фойдаланганлик учун ҳисоб юргизишда чалкашликларга йўл қўйилаётгани сир эмас. Жамоатчилик гуруҳлари йил бошидан ушбу масалага эътибор қаратдилар.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги хонадонларда электр энергияси ҳамда табиий газдан фойдаланганлик бўйича қарздорлик ҳолатлари тафтиш қилинди. Таҳлиллар натижасида бир қатор чалкашлик ҳолатлари аниқланди. Масалан, Ёзёвон тумани Ҳамза номли маҳалладаги 307 та хонадоннинг электр энергиясидан фойдаланганлик учун қарздорлиги электр энергияси таъминоти корхонаси ҳисобидагидек 3 миллион 100 минг 292 сўм эмас, 1 миллион 415 минг 952 сўм эканлиги аниқланди. Фарғона туманидаги Оқбилол қишлоқ фуқаролар йиғини жамоатчилик назорати гуруҳи аъзолари фуқаро Каримжон Эргашевнинг электр энегиясидан фойдаланганлик бўйича қарзи 120 минг сўм эмас, 3 минг 800 сўм, Обиджон Ҳайитовнинг қарзи 74 минг 290 сўм эмас, 5 минг 586 сўм, Аҳмадали Отабоевнинг қарзи 59 минг 926 сўм эмас, 4 минг 788 сўм эканлигини аниқладилар.

Ўзбекистон тумани маҳаллаларидаги жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан ўтказилган текшириш ишларида Қирққетмон маҳалласи фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Иброҳимжон Обидовнинг электр энергиясидан фойдаланганлик бўйича қарзи 61 минг сўм деб кўрсатилгани ҳолда, умуман қарздорлик ҳолати мавжуд эмаслиги, Яккатут маҳалласи фуқароси П.Эргашевнинг табиий газдан қарздорлиги 114 минг 646 сўм деб кўрсатилгану, аслида эса унинг ҳам қарзи йўқлиги аниқланди.

Бундай чалкашликларнинг юзага келиш сабаблари ўрганилиб, мутасаддиларнинг эътиборига ҳавола этилди.

Жамоатчилик назорати гуруҳларининг дон экинлари парвариши ва ҳосил ўрим-йиғими давридаги фаолиятлари ҳам самарали бўляпти. Экинларни суғориш, ўғитлаш, бегона ўтлардан тозалаш каби юмушлар доимий назоратда бўлгани туфайли вилоятда кейинги йилларда ғалладан мўл ҳосил етиштирилиб, белгиланган шартномавий режалар ошириб бажариляпти. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари, хусусан, пахтачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, пиллачилик ва чорвачиликда ҳам назоратчилар фаол иш олиб бормоқдалар.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Гурунг гашти...

Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

Олам турфа

КИТОБ НАШР ҚИЛИНГУНГА ҚАДАР

Илгари китоблар қўлда кўчирилган. Ёки сўзлар тахтага ўйиб ёзилган-да, унга бўёқ суркаб, устидан қоғоз ёпилган.

Қарабсизки, китоб саҳифаси тайёр бўлган! Лекин тахтага ўйиб ёзиш учун жуда кўп вақт сарфланган. XI асрда хитойликлар матнни алоҳида-алоҳида ҳарфлар билан йиғиш йўлини топишган. Европада китоб босиш XV асрда расм бўлди, босма машиналар эса XIX асрдагина пайдо бўлди. Китоб босиш техникаси бундан минг йил муқаддам Месопатамияда савдо шартномаларини тасдиқловчи муҳрлардан бошланган.

КАР ВА СОҚОВЛАР УЧУН

Бразилияда кар ва соқовлар учун мўлжалланган телефонлар ишлаб чиқарила бошланди. Бундай телефонларнинг ихтирочилари Морзе алифбоси принципидан фойдаланишга аҳд қилишди.

Ҳар бир абонент учун ўрнатиладиган электрон блок панелига турли рангдаги учта лампочка жойлашган. Телефон орқали сўзлашаётган пайтда лампочкаларнинг бири суҳбат охиригача ёниб туради. Қолган иккита лампочка эса Морзе алифбосининг нуқта ва тиреларига мувофиқ "милт-милт"лаб ёнибўчиб туради. Бундай янги қурилмада суҳбат одатдагидан эрта тушунтирилади.

Янги телефонга буюртма шунчалик кўпки, бундан ҳатто ихтирочиларнинг ўзлари ҳам ҳайратланишмоқда.

ОРИЯТ...

(Воқеий ҳикоя)

...Собиқ синфдош йигитлар билан ҳар ўн беш кунда чойхонада уюштириладиган зиёфат бу сафар Абдувалига асло татигани йўқ. Тўлқин келиб, ўша гап айланмагунича ўлфатлар яхши ўтиришганди.

Кейинги пайтларда Тўлқин тадбиркорликка қўл урган, ишлари гуриллаб ёнган алангадек авжида эди: қўша-қўша дўкон, новвойхона, сомсахона деганларидек. Ташвиши ҳам шунга яраша бўлганидан бир-икки бор аньанавий зиёфатга ҳам қатнашолмаганди. Бу сафар кечикиб бўлса-да, келди.

— Эй, тушимми-ўнгимми? Наҳотки, Тўлқинбек биз ғарибларни йўқлашни ихтиёр этибдилар-а! Сен бу ерда биз билан ўтирсанг, у ёқда ишларинг чаппасига кетиб қолмайдими, ишқилиб?..

Ҳаммага ҳазил қилишга ҳадди сиғадиган Икром Тўлқинни шундай кесатиқ гап билан қаршилади. Тўлқин бу гапларга кулиб қўйди, ҳамма билан қуюқ кўришди, кейин Икромга юзланиб деди:

— Кесатиқларинг тугадими, хуморинг ёзилдими? Ишим чиндан ҳам жуда кўп, оғайни. Агар бугун эрталаб маҳалла оқсоқоли телефон қилиб, уч-тўртта кам таъминланган оилаларга ёғ, гуруч, шакар тарқатиш кераклигини эслатмаганида, бу томонларга балки йўлим тушмасмиди? Мана, ҳозир охирги тугунни анави Аҳмад аканикига ташладиму, ўзим бу ёққа ғизилладим.

— Қайси Аҳмад, ҳалиги Мавлон сартарошнинг қўшнисими? — сўради кимдир.

— Ҳа, ўша. Ундан бошқа Аҳмад йўқ-ку, маҳалламизда! Тавба, авария бўлибди, деб эшитгандим, лекин аҳволи бунчалик ночорлигини билмаган эканман. Полвон келбатли одам бир бурдагина бўлиб қолибди-я! Ҳовлисига кириб борсам, сўрида бир ўзи ўтирибди, юролмас экан бечора. Тугун кўтариб борганимдан ўзим хижолат бўлиб кетдим...

Йигитлардан кимдир ўша Аҳмад деганлари Абдувалига почча бўлишини эслаб қолиб, Тўлқинга имо-ишора қилмаганида балки у автоҳалокатга учраб, икки оёғи шол бўлиб қолган бечоранинг аҳволини узоқ таърифлар эди. Абдували бу гапдан кейин даврада кўп ўтиролмади. Шу тобда унга эгачиси оиласининг ночор оилалар сирасига кириб қолгани алам қиларди. Ахир ўзи ҳам қўлидан келганча ёрдам бериб туради. Лекин "Қўл билан берганга қуш тўймас" деганларидек, уч болали оилада эркак киши ночор бўлгач, рўзғорга барака кирармиди? Эслаб кўрса, опаси билан поччасини йўқламаганига ҳам бир ойдан ошиб қолибди. Кўп йиллик орзусига етишиш — енгил машина олиш илинжида Абдували кейинги бир ой давомида ҳар шанба-якшанбани машина бозорида ўтказаётган, мўлжалидаги улов топилавермаганидан хуноби чиқиб юрганди. Ҳалиги гап чиқмаганида бугун чойхонада ўртоқларидан бирон сотиладиган машина бор-йўқлигини суриштирмоқчи эди аслида...

У шундай ўй-хаёллар билан поччасиникига етиб келганини сезмай ҳам қолди.

Опаси ишда, жиянлари ҳам уйда йўқ, поччаси эса ҳовли ўртасига қўйилган сўрида мудраган кўйи ўтирарди. Сўрининг бир четида Тўлқин ташлаб кетган ўша тугун бир томонга қийшайиб турган экан, уни кўриб Абдували яна бир бор ичидан зил кетди. Пешиндан кейин кун қайтиб, сўри офтобрўя бўлиб қолган, поччасининг бошидан офтоб уриб турарди. Абдували поччаси билан сўрашиб улгурмасиданоқ, рўзғорхалта кўтарган жияни билан опаси кириб келишди. Абдували жияни билан биргалашиб поччасини кўтариб, айвонга ўтказди. Поччаси ердан кўзини олмас, бутун қиёфасидан афсус-надомат ёғилиб турарди. Шунда ҳам у секингина ўғлига шипшиди:

— Ўғлим, тоғанга дастурхон ёзинглар...

Абдували ўнғайсизланди, ичида "Шунча кундан бери нега бирров бўлса ҳам булардан хабар олмадим-а!?" дея пушаймон қилди. Бу орада опаси сўрида турган ўша тугунни олиб ошхонага йўналди. Уни укаси олиб келган гумон қилиб, "Абдували, бекорга овора бўлибсан-да, рўзғорда ҳамма нарсамиз бор..." деди. Бу гапдан Абдували боягидан баттар кўйга тушди. Укасининг авзойини кўриб, опаси ҳам ҳайрон бўлди, "Майли, топганингга барака берсин, укам, раҳмат" деб қўйди.

«Ўзларининг ҳожатлари бўлса ҳам, бошқаларни ўзларидан устун кўрадилар. Кимки ҳудбинликдан сақланса, катта ютуққа эришганлардан бўлади.»
Қурьони каримнинг «Ҳашр» сураси, 9-оят.

Дастурхон йиғилгач, Абдували бирор ярим соат поччаси билан гурунглашган бўлди-да, ошхонада кечки овқат тараддудида куймаланаётган опасининг олдига кирди.

— Опа, биламан, сизга ҳозир қийин. Мен ҳам кейинги пайтларда ўзимдан ортмай қолдим. Бояги тугунни мен олиб келмадим, катта тадбиркор бўлиб кетган синфдош дўстим Тўлқин бор-ку, ўша ночор оилаларга майда-чуйда озиқ-овқат улашар экан. Сизга ҳам ташлаб кетибди. Бугун чойхонада шу тўғрида гап очилиб қолганди...

Абдували сўзини тугатгунича, опасининг юзидан кўз ёшлари қуйилиб турди. У укасига дарров жавоб бермади, косадаги тўгралган пиёзни нари суриб, ўзича "Ўлсин, жуда аччиқ экан..." деб қўйди.

— Маҳаллага идорасига чиқиб юролмайдиган кишилар учун ҳалиги махсус аравача бор-ку, шу матоҳни қаердан, қандай олса бўлади, деб суриштирган эдим, холос. Сен кўнглингга олма, укам...

Бироздан кейин Абдували кетди. Йўлда борар экан, опаси билан бўлган гап-сўзларни ўзича таҳлил қилди. Тўғриси, опасининг зорланиши, тақдиридан нолишини кутган эди. Аксинча, опаси унинг кўнглини кўтардими? Яна узр сўрагандек оҳангда гапирди: "Кўнглингга олма, бу кунлар ҳам ўтиб кетар..." Шуларни ўйлаб борар экан йигитнинг бошига биров гурзи билан ургандек бўлди. Ахир, ўзидан лозим эмасмиди опасига юпанч бериш, кўнглини кўтариш?! Кам-кўстини суриштириш ўрнига чойхонадаги гапни эзмалабди. "Вой, мен аҳмоқ!.."

Эртаси тонггача Абдувалининг миясида минг хил ўй-хаёл ғужғон ўйнади. Чойхонадаги гурунгдан сўнг поччасининг ночор аҳволидан орияти келган бўлса, энди ҳамияти жўш уриб, уларга ёрдам бериш чорасини излар эди у. Ногиронлик аравачаси қанча туришини ўзича чамаладди. Саҳар туриб, машина олишга йиғиб қўйган пулининг ярмини олиб, кўчага чиқди. Шу куни тушгача таниш-билишларга учради, турли идораларга кириб-чиқди. Аравача олиш учун навбатда турганлар анча экан. Омади чопиб, бир танниси ўзи билан бир йўлакда турадиган қўшнисининг ногирон отаси яқинда қазо қилгани, ундан қолган аравача сотилиши қулоғига чалинганини айтиб қолди. Абдували ўша хонадонни топиб борди, аравача яқиндагина хориждан келтирилган, ҳали яп-янгидек экан. Савдони пишириб, аравачани машинага ортди-ю, тўғри опасиникига йўл олди.

Ҳа, енгил машина олиш ҳақидаги кўп йиллик орзуси ушалай деб турганди, энди яна кечикди. "Ҳечқиси йўқ, — ўзини ўзи юпатди у, — ҳозирча яёв юра турайлик-чи. Бу кунлар ҳам ўтиб кетади!"

Абдували опасиникига кириб келганда, поччаси ҳовлидаги сўрида худди кечагидек бир алпозда, бошидан офтоб уриб ўтирар эди...

Мавлуда ҚОСИМОВА

Самарқанд вилояти

КАТТАҚЎРҒОН ВА УРГУТДА ЯНГИ ЛИЦЕЙ

Айни пайтда вилоятда 11 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда уларнинг сони яна иккитага кўпаяди. Ҳозир Каттақўрғон шаҳри ва Ургут туманида янги лицейлар барпо этилмоқда.

— Ушбу илм масканлари ишга тушиши билан қўшни туман ва шаҳарлар ўқувчилари ҳам шу ерда таҳсилни давом эттириш имконига эга бўлади, — дейди вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи М.Холмуҳаммедов.

Янги ўқув йилида Каттақўрғон шаҳрида қурилаётган Самарқанд давлат чет тиллар институтига қарашли академик лицей 450 нафар, Самарқанд давлат университетига қарашли Ургутдаги лицей эса 300 нафар ўқувчини қабул қилади. Ҳозир жойларда янги академик лицейларда ўқиш истагида бўлган йигит-қизлардан ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Янги илм масканларида дарс берадиган ўқитувчилар танлов асосида саралаб олинди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Мўъжизакор ҳунармандлар юрти

Уста ҲАҚҚУЛнинг УСТА ўғли

У отамерос ҳунарини фарзандлари ва шогирдларига ҳам ўргатиб, обидалар умрига умр қўшмоқда

Самарқанд — қадимий меъморий ёдгорликларга бой шаҳар. Бунёдкор боболаримиз Амир Темур ва Мирзо Улуғбек замонида барпо этилган салобатли, нақшинкор масжиду мадрасалар, мақбараю миноралар, шунингдек, айрим ҳукмдорларнинг саройлари асрлар оша сақлаб келиняпти. Аммо уларнинг вақт синовларига дош бериши ва келажак авлодга етиб бориши учун доимий эътибор зарур. Бир неча асрлик тарихни ўз бағрида сақлаб келаётган обидаларни таъмирлаб, уларни асл ҳолига келтиришда самарқандлик машҳур таъмирчи уста, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, марҳум Абдуғаффор Ҳаққуловнинг ҳиссаси айниқса салмоқли бўлган.

Уста Абдуғаффор Ҳаққулов 1930 йилда Самарқандда уста-ҳунарманд оиласида таваллуд топган. У ёшлигидан меъморчилик санъатига ихлос қўяди. Болалигида Гўри Амир, Шоҳизинда мақбаралари, Бибихоним Жомеъ масжиди ва Регистон майдонига тез-тез борар, ёдгорликлардаги товланиб турган кошинларга тикилар ва уларни синчиклаб ўрганишга ҳаракат қилар эди. Абдуғаффор акада меъморчиликка бўлган қизиқишни дастлаб ўз замонасининг таниқли ғишткор-кошинкор усталаридан бўлган отаси уста Ҳаққул уйғотган эди. Ота фарзандига ёшлигидан ҳунар сирларини қунт билан ўргата борди. Кейинчалик фарзандини тажрибали таъмирчи уста Шамсиддин Ғафуровга шогирдликка берди. Уста ва шогирд дастлаб Регистон майдонидаги 1417-1420 йилларда қурилган Улуғбек мадрасасини таъмирлашда ёнма-ён туриб ишлади. Устоз Шамсиддин Ғафуров кексайиб, пенсияга чиққач, уста Акром Умаров ва Шофи Исоқовлар билан ҳамкорликда таъмирлаш ишларини давом эттирди. 1958 йили Самарқанд таъмир устахонаси томонидан Иброҳим Шермуҳаммедов ҳамда Абдуғаффор Ҳаққуловларга кошинбуруш, яъни кошин кесиш ишларини йўлга қўйиш вазифаси топширилди ва улар бу масъулиятли вазифани аъло даражада бажардилар. Шундай қилиб, устозлари ёрдамида анча тажриба орттирган уста Абдуғаффор 1958 йилдан бошлаб мустақил иш юрита бошлайди ва алоҳида таъмирчилар жамоасини тузиб, унга ўзи етакчилик қилади. Унинг жамоаси Регистон майдонидаги Шердор ва Тиллакори мадрасалари, Амир Темур мақбараси, Шоҳизинда мажмуасининг гумбазларини сифатли қилиб қайта таъмирладилар. Абдуғаффор Ҳаққулов 1960 йили Шердор мадрасасидаги узунлиги 20 метр, эни 1 метру 20 сантиметрли арабий ёзувларни маҳорат билан қайта тиклади. 1965 йили шаҳар ташқарисидаги Хўжа Аҳрор масжидидаги ганчкорлик ва кошин ишларини бажарди. Кейинчалик Ҳазрати Ҳизр масжидини, Улуғбек расадхонасини таъмирдан чиқарди. 1973-77 йиллар давомида Тиллакори масжид-мадрасасининг асосий равоғини, ёзувларини, кошинкорлик ишларини, 1978 йили Бибихоним масжидининг кириш пештоқи кошинлари ва арабий ёзувларини қайта тиклади. 1978 йилнинг ўрталаридан бошлаб уста 1630-1635 йилларда Нодир Муҳаммад Девонбеги қурдирган мадрасани шогирдлари Олим Комилов, Саъдулло Аҳмедов, Шукур Турсунов ҳамда фарзандлари билан биргаликда қайта таъмирлади. Яна шогирдлари билан Каттақўрғондаги Нақиббек, Қаландархона мадрасаларини, Шаҳрисабздаги Ўрта Осиё меъморчилигининг мумтоз намунаси бўлган Оқсарой, Кўкгумбаз, Гумбази Сайидон сингари нодир обидаларни ҳам таъмирлаб, биноларга қайта ҳаёт бағишлади.

СУРАТДА: Абдуғаффор уста *(чапдан иккинчи)* шогирдлари билан.



Уста Абдуғаффор Ҳаққулов кошин сирларини ўрганиш, тайёрлаш, нодир ёдгорликларни қайта тиклаш билан бирга бўш вақтларида қадимий нақшларга хос янги паннолар, нақшлар, геометрик шакллар, чизмалар ва панжаралар яратиб, меъморчилигимиз равнақига ҳам муносиб улуш қўшди. Устанинг яратган асарларида устози, Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг хизматлари катта бўлди. Устанинг ижод намуналари турли кўргазмаларда намойиш этилиб, юксак баҳоланган.

Абдуғаффор Ҳаққулов Самарқанддаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш учун кекса таъмирчи усталарга муносиб шогирдлар тайёрлаш мақсадида 1983 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти базасида, Самарқанд туманидаги 44-ҳунар техника билим юрти қошида меъморчилик мактабларини ташкил этди. Меъморчилик, хусусан, таъмирчилик соҳасида катта тажриба орттирган уста "Таъмирлаш қоидаси" рисоласи ва қўлланма-дарслик китобини ёзди. 1991 йил "Меҳнат" нашриётида устанинг кўп йиллик меҳнати ва бой тажрибаси асосида яратилган "Таъмир санъати" номли китоби босилиб чиқди. Уста Абдуғаффор очган меъморчилик мактабига Самарқанднинг турли ҳудудларидан меъморчиликка ҳавас қўйган ёшлар келиб, ганчкорлик, наққошлик, ғишткорлик, кошинкорлик ҳунарларини пухта эгалладилар. 1976-78 йилларда уста Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти талабаларига миллий меъморчилик тарихи ҳамда ўзининг кўп йиллик таъмирлаш санъати ва кошинкорлик тажрибасидан сабоқ ҳам берди.

Уста Абдуғаффор Ҳаққуловнинг 45 йиллик меҳнати, шогирдлар тайёрлаш, тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш, уларга сайқал беришдек нозик ва мураккаб хизматлари ҳукуматимиз томонидан бир неча бор тақдирланган. Хусусан, у 1976 йилда "Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими" деган юксак унвонга сазовор бўлди. Уста меъморий меросимизни сақлаш ва уни таъмирлашдаги хизматлари учун халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг фахрий ёрлиғи билан ҳам тақдирланди.

Айни пайтда Уста Абдуғаффор Ҳаққуловнинг ишларини фарзандлари Абдуқаҳҳор, Абдураззоқ, Абдуғани, набиралари Абдуқодир, Суннатилло, Нусратилло, жиянлари Абдураҳмон, Абдуманноп ва шогирдлари давом эттирмоқда.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Айни кунларда шахсий муаммолар ечими билан шуғулланганингиз маъқул. Акс ҳолда муаммоларингиз кейинги режаларингизга салбий таъсир ўтказади.

СИГИР(22.04-20.05)

Ҳафта бирмунча зиддиятли кечиши мумкин. Айниқса, ҳамкорлар билан мулоқоларда эътиборлироқ бўлишингизга тўғри келади.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Яқинларингиз муаммоларига муносабат билдиришда эҳтиёткорроқ бўлсангиз, юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олдини оласиз.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Ишонувчанлигингиз айни кунларда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу кунлардаги яхши ҳордиқ сиз учун жуда фойдалидир.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ҳафта давомида юзага келиши кутилаётган кўнгилли учрашувлар ва танишувлар ҳаётингизни бирмунча ўзгартириши мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Айни пайтда ўз билим ва интеллектуал салоҳиятингизни синаб кўриш учун яхши имконият туғилиши мумкин. Яқинларингизни йўқлашни унутманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Сизнинг бепарволигингиз яқинларингиз кўнглини ранжитиши мумкин эканлигини ёдда тутган ҳолда иш юритишга ҳаракат қилишингиз лозим.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Шу кунларда ҳамкорлик масаласида қизиқарли таклифлар билдиришлари мумкин. Бундай вазиятда маслаҳатлашишни унутманг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Айни кунларда молиявий муаммолар ечими билан шуғулланмаганингиз маъқул. Дам олиш кунларини табиат қўйнида ўтказинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Ушбу ҳафтада кузатиладиган яқинларингиз хатолари сизнинг ҳаётингизга ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Муаммонинг ечими сабрли бўлишидир.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Айни пайтда кўчмас мулк билан боғлиқ масалалар юзага келиши мумкин. Дам олиш кунларини дўстлар даврасида ўтказганингиз маъқул.

БАЛИК (19.02-20.03)

Шу кунларда уюштириладиган сафар ёки саёҳатларда сиздан ўта зийраклик талаб этилади. Айниқса, алданиб қолишдан эҳтиёт бўлишингиз лозим.

Эзгулик ҳақида

Агар сендан эзгулик нима деб сўрасалар, амалда фойдаланилган донишмандликдир, деб жавоб бер.

ПИФАГОР

* * *

Пул эзгуликни туғдирмайди, аксинча, эзгулик туфайли одамлар шахсий ҳаётда ҳам, жамиятда ҳам пул ва бошқа бойликларга эга бўладилар.

СУҚРОТ

* * *

Эзгулик адолатсизлик қилмасликкина эмас, уни истамаслик ҳамдир.

ДЕМОКРИТ

Куюнчак муштарий таклифи

МАЙНА қушга бўлмайлик!

Зиёнкор қуш туфайли меваларимиз нест-нобуд бўлмоқда, ваҳоланки, бунинг олдини олиш чораси йўқ эмас!

Майна қуш ўтган асрнинг бошларида, яъни собиқ шўро даврида қорамолларга завол келтираётган турли қон сўрувчи ҳашаротларга қарши чора сифатида Ҳиндистондан махсус келтирилган, деган гапларни эшитганмиз. Бу гап ҳақиқатга қанчалик яқин билмадиму, лекин айни кунда бу қушни юртимизнинг барча ҳудудларида учратиш мумкин. Қайси деҳқон ёки боғбон билан гаплашманг, ушбу қушнинг қишлоқ хўжалиги экинларига, мева-чевалар ҳосилига келтираётган зарари ҳақида куйиниб гапиради.

Яқинда Президентимиз Бухоро вилоятида бўлганида, майнанинг боғ-роғларимиз, экинларимизга зиён етказаётгани хусусида бежизга алоҳида тўхталмадилар, чунки бу зиён анчагина салмоқли бўлмоқда. Боғбонларнинг айтишича, 50-60 туп мева дарахти бор ўртамиёна боғдаги мева ҳосилини нобуд қилиш учун бир жуфтгина майна "етарли" экан. Тасаввур қилинг, бир боғни яратиб, мевага киритгунича боғбон қанча тер тўкса-ю, шунча заҳмат эвазига етиштирилган мевалар эса ўзи бир қарич, вазни эса бор-йўғи 40-60 грамм чиқадиган бир жонивор туфайли яроқсиз ҳолга келса! Назаримда, майна қуш бу қилмиши билан биз одамларни майна қилаётгандек...

Майна жуда зийрак, жангари қуш. Бир йилда 2-3 марта бола очади, ҳар болалаганда 5-10 та тухум қўяди. Полапонлари бор-йўғи 25 кунда учирма бўлади. Бу қуш дарахтларга, ҳозирги кунда эса кўпроқ томи шифер билан ёпилган биноларга, кўп қаватли иморатлар, маъмурий бинолар, молхона, омборхоналар, мактаб бинолари ёки уй-жойларнинг ковагига уя қуради. Кўпчилик одамлар, айниқса шаҳарлар аҳолиси бу қушнинг боғ-роғларимизга зиён келтиришидан бехабар, унинг йилдан-йил кўпайиб бораётганига беэътиборлар.

Бу қушнинг тажовузкор феъли бор. Инига яқинлашгудек бўлса, одамнинг юз-кўзига ташланиши ҳам мумкин. Шундай ҳолатларга гувоҳ ҳам бўлганман. Яқинда майнанинг тажовузкорлигига мисол бўладиган яна бир воқеани кузатдим.

Майна қушнимизнинг томига уя қўйган экан. Нима бўлибди-ю, қушнинг полапонларидан бири ҳовлимизга тушиб қолибди. Олапар итимиз уни олиб қочди. Шу пайт қаердандир 5-6 та майна пайдо бўлиб, олапарга ҳужумга ўтди. Бирпасда итнинг юз-кўзини чўқиб ташлашди. Олапар полапонни ташлаб қочди. Шу воқеадан кейин қушлар итга ўмуман тинчлик бермай қўйди. Охири олапарни биздан 2-3 чақирим нарида яшайдиган ўғлимнинг ҳовлисига олиб бориб қўйдик. Буни қарангки, қасоскор қушлар олапарни ўша ерда ҳам топиб, "ҳужум"ни давом эттирибди. Орадан икки-уч кун ўтиб, ит йўқолиб қолди. Яқин-атрофдан излаб ўлик-тиригини топмадик. Ит қушларнинг дастидан "бош олиб кетдими" ёки бошқа сабаб билан йўқолдими, билолмадик...

Болалигимизда муллатўрғай деган қуш кўп бўларди. Кўриниши беданага ўхшаш, бошида хўрозникидек тожи бўлиб, жуда чиройли сайрар, яйловларда, экинзорларда ерга хас-хашаклардан чиройли ин қуриб яшарди. Юртимизнинг бошқа ҳудудларида бу қушни сўфитўрғай, ёки оддийгина қилиб тўрғай, деб аташади. Ўзи ниҳоятда беозор, овози киши руҳиятига ором бағишлайди. Ёшлигимизда ана шу қушни авайлаб-асрашни катталар бизга эринмай тушунтиришар эди, ҳатто муллатўрғай қуш ҳақида шундай шеърларни ёддан айтиб юрардик:

Муллатўрғай —
Муртим бўлғай,
Қанотида хатим бўлғай.
Кимки менинг боламга тегса,
Етти эшикка етим бўлгай...

Ҳозирда шу қуш жуда камайиб кетган. Биринчидан, катта майдонлар ўзлаштирилиб, техника, турли кимёвий доривор воситалар билан ишланадиган бўлди. Лекин энг ёмони, бу қушга озор бермаслик ҳақида биз ёшларнинг қулоғига ўгит қуймай қўйдик. Уларга бу қушни авайлаш лозимлигини уқтирмадик. Муллатўрғайнинг ини ерда бўлгани учун ҳам, қушнинг ўзи ва қўйган тухумлари бола-бақраларимизга эрмак бўлди. Лекин ҳали ҳам кеч эмас, муллатўрғайларнинг кўпайиши учун имкон яратиш ўз қўлимизда.

Яна майна қуш масаласига қайтсак, бу зиёнкор қушнинг кўпайишига йўл қўймаслик учун аввало, аҳоли ўртасида, маҳаллаларда тарғибот ишларини йўлга қўйиш лозим. Токи ҳар ким ўзига тегишли иморатлардаги ковакларни, шифер билан ёпилган томлардаги очиқ жойларни беркитсинлар. Янги қурилаётган иморатларда эса иморат четидаги ковакларга махсус резина қопламаларни қўйиб, ёпишни йўлга қўйиш керак.

Умуман, аҳоли яшайдиган жойларда майна қушининг уя қуришига қарши курашишни кучайтириш орқалигина унинг камайишига эришиш мумкин. Бу қушни овлаб ёки кимёвий воситалар билан камайтиришнинг эса имкони йўқ.

Эшмамат АБРАЕВ,
меҳнат фахрийси.

Чироқчи тумани

Фарғона вилояти

Камалак рангларида товланар атлас...

Атлас, адрас нафақат ўзбек хотин-қизларининг, умуман, аёл зоти борки, ҳар бирининг чиройини ўн карра оширадиган мўъжизакор мато. Кўҳна Марғилон бу матонинг ватани, марғилонлик усталар эса атлас тўқишда маҳорати беқиёс ҳунармандлар ҳисобланади. Чорчинор маҳалласилик Аҳмаджон Мамадалиев (чапдаги суратда) тўқиган матолар ранглари тиниқлиги ва сержилолиги билан ажралиб туради. Яна бир моҳир уста Муҳсин Каримов (пастдаги суратда) эса миллий матоларимизни янги-янги жилоларда товлантириш учун тинмай изланишда.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Топонимлар тарихини биласизми?

Бухоро вилояти

Қоракўл ўрнидаги Қозон

Қоракўл туманидаги қишлоқ фуқаролар йиғинларидан бири Қозон деб аталади. Йиғиннинг нега айнан шундай номланиши ҳақида тарихий манбаларда ҳам, халқ орасида ҳам турли фикрлар мавжуд.

Маълумки, қадимда ҳозирги Қоракўл тумани ҳудудида аҳоли истиқомат қилмаган. Бу ерда Амударё ва Зарафшон дарёлари сувининг бир қисми келиб қуйилиши натижасида ҳосил бўлган кўл бўлган. Кўл сувининг ранги юқоридан қараганда қора кўрингани учун унинг номини Қоракўл деб аташган. Турклар ҳатто бу кўлни Қора денгиз деб ҳам номлашган экан. Қоракўл туманининг номи ҳам айнан шундан келиб чиққан.

Кейинчалик Амударё ва Зарафшон дарёларининг суви чекиниши натижасида кўл атрофига аҳоли кўчиб кела бошлаган. Улар асосан балиқчилик ва чорвачилик билан шуғулланишган.

Кўл аста-секин қуриб борар экан, унинг кўринеши узоқдан қараганда худди қозонни эслатган. Шу боис кейинчалик кўл ўрнида вужудга келган қишлоқнинг номини маҳаллий аҳоли Қозон деб атай бошлаган.

Ҳозирги кунда ҳам Қозон қишлоғи туманнинг энг чуқур ҳудуди ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, Қозон қишлоғи шу тумандаги Сайёт қишлоғидан қарийб 15 метр пастликда жойлашган. Айни пайтда Қозон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 3 та маҳалла фуқаролар йиғини ва 22 та қишлоқда 12100 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиляпти.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Наҳотки!?

БИР ЙЎЛА ТУҒИЛГАН 1, 2, 3,... 8 ЧАҚАЛОҚ!

27 ёшли алжирлик аёл бир йўла саккиз фарзандининг онаси бўлди.

Шифокорлар саккиз эгизакнинг биттаси ўлик туғилгани, яна биттаси эса туғилибоқ вафот этгани хусусида оммавий ахборот воситаларига маълум қилганлар. Қолган олти нафар қизалоқ эса ҳаёт учун курашда давом этишмоқда. Чақалоқлар жуда ҳам кичкина бўлиб, уларнинг вазни 700 граммдан 1,3 килограммгача экан.

Хитойлик Вей Гуанги ўз мопедида кета туриб, симёғочга урилгач, амнезия (хотирани қисман йўқотиш)га учраган эди.

ҲАММА НАРСА ЭСИДА-Ю, ХОТИНИ ЭСА ЙЎҚ!

У икки кун давомида касалхонада даволангач, ўз ҳаётида бўлиб ўтган барча воқеаларни, кундалик турмушига дахлдор маълумотларни, масалан, уй манзилини, телефон рақамини ва ҳоказоларни эслади-ю, лекин 9 йил давомида бирга умргузаронлик қилган қонуний рафиқасини эслай олмади. Унга ўзининг тўйида туширилган фотосуратларни кўрсатишганда ҳам, у ўз рафиқасини тан олишдан бош тортди. Шифокорлар бу ҳолатни "ғайритабиий" деб баҳолашди. Бу ҳолатнинг сабаби балки эру хотиннинг биргаликдаги ҳаёти давомида қай даражада ҳамжиҳатликда яшаганларини таҳлил қилиш орқали ойдинлашар. Эҳтимол жаноб Гуанги ўз рафиқасидан кўнгли тўлмай юрган, энди ундан "унутиб қўйиш" баҳонасида "қутулмоқчидир"?..

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:

Анвар АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Нигматилла АБДУЛЛАЕВ,
Бобур АЛИМОВ,
Рустам ҚОСИМОВ,
Раҳмон ҚЎЧҚОР,
Таънаберди ҚУРБОНОВ,
Чори ЛАТИПОВ,
Фаррух БЎТАЕВ,
(бош муҳаррир ўринбосари)
Мавлуда КОСИМОВА,
(масъул котиб)
Бахтиёр РИЗАЕВ,
Шуҳрат РИЗАЕВ,
Бехбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 11 июль
28 (578)

10132 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-620 Топширилди — 22.20
2 3 4 5 6